

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МУХИДИНОВА МУКАДДАС АРАББАЕВНА

**ТАРҚОҚ СКЛЕРОЗ ПАТОГЕНЕЗИДА НЕЙРОСПЕЦИФИК S-100
ОҚСИЛИ ВА ЛИПОПРОТЕИДЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мухиддинова Мукаддас Араббаевна

Таркок склероз патогенезида нейроспецифик S-100 оқсили ва
липопротеидларнинг ўрни ва аҳамияти..... 3

Мухиддинова Мукаддас Араббаевна

Роль и значение нейроспецифического белка S-100 и липопротеидов в
патогенезе рассеянного склероза..... 21

Mukhiddinova Mukaddas Arabbaevna

The role and significance of neurospecific protein S-100 and lipoproteins in
the pathogenesis of multiple sclerosis..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МУХИДИНОВА МУКАДДАС АРАББАЕВНА

**ТАРҚОҚ СКЛЕРОЗ ПАТОГЕНЕЗИДА НЕЙРОСПЕЦИФИК S-100
ОҚСИЛИ ВА ЛИПОПРОТЕИДЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.2.PhD/Tib648 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Якубова Марҳамат Миракрамовна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Алиқулова Нигора Абдукадировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джурабекова Азиза Тахировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «8» июль соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «23» июнь куни тарқатилди.
(2021 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Х.А. Акилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г. Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тарқоқ склероз ногиронликка ва жиддий асоратларга олиб келувчи, ҳамда ҳаёт сифатининг сезиларли даражада ёмонлашишига сабаб бўлувчи касаллик ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...ҳозирги кунда бутун дунёда 2,8 млндан ортиқ беморлар тарқоқ склероз ташхиси билан рўйхатга олинган ва бу кўрсаткичларга ҳар йили 1млн бемор қўшилиб бормоқда»¹. Бу касалликнинг сурункали ривожланиб бориши, ўзига ҳос кечиши, авж олиши ва ремиссия даврларининг турлича шаклда қайталаниши ва касалликнинг бошланғич даврида специфик белгиларнинг йўқлиги, ўлим кўрсаткичларининг ўсишига сабаб бўлади. Тарқоқ склероз билан касалланган беморларда эрта юз берувчи дисфункционал ўзгаришлар, даволаш самарадорлигининг пастлиги дезадаптацияга олиб келади, ҳамда муаммонинг тиббий ва ижтимоий аҳамиятини белгилаб беради.

Жаҳон миқёсида тарқоқ склерозда юз берадиган патогенетик жараёнларни аниқлаш, ташхислаш ва даволаш мезонларини оптималлаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада касалликнинг ривожланиш хавф омилларини ва касаллик кечиш характерини аниқлаш; асоратларнинг олдини олиш чора тадбирларини белгилаш; касалликнинг клиник-патогенетик тузилишини аниқлаш; касалликнинг эрта ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш; даволашга бўлган индивидуал ёндашувни оптималлаштириш; замонавий иновацион фармакологик давони тадбиқ қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Тарқоқ склерозда прогностик омилларни баҳолаш, даволаш жараёнларида юқори самарадорликка эришиш, неврологик дезадаптацияни бартараф этиш, ҳамда беморларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларининг олдини олиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора тадбирлар амалга оширилмоқда. «...Касалликларни олдини олиш ва уларни ташхислаш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юқори малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш»² каби белгиланган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда тарқоқ склероз билан хасталанган беморларга тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифатини ва самарадорлигини ошириш, ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, беморларда ижтимоий адаптацияни шакллантириш, малакали тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш, оптимал даволаш чораларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-

¹ World Health Organization. /world multiple sclerosis day,30 May 2020.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соҳликни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 12 июндаги ПҚ-3052-сон «Соғликни сақлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тарқоқ склерознинг клиник-патогенетик ривожланиши, кечиши ва даволаниши муаммосига қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда, уларнинг доирасида қатор илмий изланишлар касалликни эрта ташхислашда клиник, нейровизуалогик, биокимёвий текширувлар динамикасига қаратилган. Тарқоқ склерозни эрта ташхислашда ва нейродегенерацияни баҳолашда S-100 оқсили нейроспецифик маркёр сифатида баҳоланган (Chichanovskaya L.V., Sorokina K.V.2015). S-100 оқсили кўрсаткичлари тарқоқ склерознинг шаклига, кечиш турларига, давомийлигига кўра фарқ қилиши аниқланган (Ҳакимова Г.Р., Воронина Т.А. ҳаммуал., 2016). Тарқоқ склерозда иммунопатологик комплекслар миелин липидлари иштирокида пайдо бўлиши ва бу қонда зардоби ҳамда церебротриггер суюқликда яллиғланиш ва яллиғланишга қарши факторлар дисбаланси билан ифодаланиши исботланган (Васильевна И.В. 2017). Тарқоқ склерозда томирлардаги яллиғланиш жараёни бош мия томирларидан ташқарида ҳам содир бўлиши аниқланган ва бу ҳолат тарқоқ склерозда тизимли жараёнлар мавжудлигини кўрсатган (Павлов А.Л., Бисага Г.Н., 2008; Mancini M. et.al. 2012, 2014). Тарқоқ склерозда ногиронлик даражаси ва касалликнинг кечишини дисметаболик жараёнлар ва дилипидемия билан боғлиқлиги ўрганилган (Fahmi R.M., El Ebeary M.S., 2020). Тарқоқ склероз аутоиммун касаллик эмас, балки касалликнинг моддалар алмашинуви бузилиши билан боғлиқлиги исботланган (Angelique Cortals, 2011). Тарқоқ склерозда беморлардаги ногиронлик даражаси ва зичлиги паст липопротеид кўрсаткичлари орасида мутаносиблик мавжудлиги кўрсатилган (Захарова М.Н., Васильевич И.М., 2016).

Бу хусусида S-100 оқсил нейроспецифик маркёр сифатида Ўзбекистонда ҳам қатор илмий изланишлар олиб борилган, жумладан, S-100 оқсил миқдори экстарпирамидал касалликларда патологик ошиши исботланган (Матмуродов

Р.Ж., 2014). Болаларда асаб тизимининг перинатал зарарланишида S-100 оксили миқдори патологик ошиши аниқланган (Халимбетов Г.С., 2018). Ўзбекистонда туғилган европа ирқига мансуб беморларда тарқоқ склерознинг клиник белгилари ривожланишида ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган (Халимова Х.М., Рашидов Н.С., 2007).

Дунёда тарқоқ склероз ривожланишида патогенетик омилларни аниқлаш, клиник-неврологик хусусиятларни, касалликнинг клиник шакллари, кечишини, жинслараро нисбатини баҳолаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарблигича қолмоқда. Жумладан, тарқоқ склерозда S-100 оксили кўрсаткичлари ва липопротеидлар алмашинуви, дегенерация ва демиелинизацияга таъсир қилувчи омиллар ҳамда липопротеидлар алмашинувини дегенерация жараёнидаги ўрнини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ 01.15.00156 рақамли «Ҳар хил ёш гуруҳларда-ёш, ўрта, кекса ва қарияларда инсульт ва эпилепсиянинг хусусиятларини ўрганиш, даволашга дифференциал ёндашувни ишлаб чиқиш» (2015–2020) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тарқоқ склерознинг клиник-неврологик хусусиятларини ва шунга боғлиқ ҳолда касаллик патогенезида нейроспецифик S-100 оксили ва липопротеидларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тарқоқ склероз билан касалланган беморларда клиник-неврологик хусусиятларни, касалликнинг клиник шакллари, кечишини, жинслараро нисбатини баҳолаш;

тарқоқ склерознинг турли шаклларида, кечишида беморларда нейроспецифик S-100 оксил миқдорини касалик клиникасига боғлиқ ҳолда аниқлаш;

тарқоқ склероз касаллигининг клиник кечиши, шакллари, кечиш даражаси ва проградентлиги бўйича липопротеидлар алмашинувининг бузилишини аниқлаш;

тарқоқ склероз билан касалланган беморларда S-100 оксили миқдори ва зичлиги паст липопротеидлар орасида корреляцион боғлиқликни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1-сон Республика клиник шифохонасида, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-клиникасида амбулатор ва стационар шароитда даволанаётган 100 нафар бемор ҳамда назорат гуруҳида 20 та амалий соғлом кишилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида веноз қон, нейровизуалагик ва морфологик текширувлар натижалари ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник-неврологик,

нейровизуализацион, биохимик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарқоқ склероз билан касалланган беморларда нейроспецифик S-100 оқсили ва липопропротеидлар кўрсаткичларининг дегенерация ҳисобига патологик ошиши касалликнинг шакли ва кечишига боғлиқлиги аниқланган;

тарқоқ склерозда S-100 оқсили ва зичлиги паст липопропротеид кўрсаткичлари нейродегенерация жараёнининг активлигини кўрсатувчи прогностик омил эканлиги асосланган;

илк бор S-100 оқсили кўрсаткичлари ва зичлиги паст липопропротеид кўрсаткичлари орасида ўзаро мусбат корреляцион боғлиқлик аниқланган ва шу асосида нейродегенерация ва дислипидемия орасида тўғри пропорционал мутаносиблик мавжудлиги исботланган;

тарқоқ склерозда S-100 оқсили ва зичлиги паст липопропротеид кўрсаткичлари назоратида касаллик кечишини прогноз қилиш исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларига асосан тарқоқ склерозга шубҳа қилинган беморларда клиник ва нейровизуалагик текширувлардан ташқари беморлар қон зардобидида S-100 оқсили ва зичлиги паст липопропротеидлар миқдорини текшириш тавсия этилган;

тарқоқ склероз билан касалланган беморларда S-100 оқсили ва зичлиги паст липопропротеидлар миқдорини назорат қилиб туриш касалликни авж олишининг олдини олишга ёрдам бериши аниқланган;

тадқиқот натижаларининг таҳлилига кўра, тарқоқ склерозда умумий медикаментоз даволаш билан бирга холестеринни камайтиришга қаратилган дори воситалари ва пархезни тавсия қилиш, мақсадга мувофиқ эканлигини исботланган;

тарқоқ склероз касаллигини прогнозлаш ва унинг оғир кечишини камайтириш мақсадида клиник, нейровизуализацион ва биокимёвий тадқиқотлар асосида назорат қилиш ва ташхислаш ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, тадқиқот предмети, мақсади ва вазифаларига муносиб услублар, услубий тўғри бажарилган тажрибалар, етарлича беморлар сони, тақиқотнинг клиник-неврологик ва нейровизуализациявий текширув натижаларини статистик усуллар билан қайта ишланганлиги, шу билан бирга тадқиқотдан олинган натижаларнинг халқаро ва миллий маълумотлар билан солиштирилганлиги ҳамда хулоса ва олинган натижаларнинг тегишли давлат муассасаларида тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти касалликнинг эрта босқичида беморларни аниқлаш, касалликнинг ривожланиши ва патогенетик жараёнларни баҳолаш, касалликнинг клиник шакли, кечиши ва давомийлигини, прогнозини ҳам илмий-тадқиқот маркази, ҳамда неврологик стационар ёки амбулатор шароитда аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, тарқоқ склерозда зичлиги паст липопротеидлар кўрсаткичларини ва қон зардобида ИФА усули ёрдамида S-100 оқсил миқдорини аниқлаш таҳлилининг жорий қилиниши, махсус ишлаб чиқилган мезонлар асосида қиёсий ташхислашни амалга ошириш, шунингдек касалликни прогноз қилиш, дифференциал-даволаш ва профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш билан изоҳланади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тарқоқ склерознинг турли шаклларида ва кечишида ташхислашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тарқоқ склерозни ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Тарқоқ склерозни ташхислашда янгича услуб» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 мартдаги 8н-д/49-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома тарқоқ склероз билан касалланган беморларни ташхислаш, клиник таҳлил қилиш ва касалликни назорат қилиш ва бошқариш имконини берган;

тарқоқ склерозни ташхислаш ва патогенетик омилларни аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент вилояти Қибрай тиббиёт бирлашмаси ва Тошкент шаҳар 46-оилавий поликлиникаси амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 февралдаги 8н-з/28-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари касалликни илк босқичида ташхислаш ва ўхшаш касалликлардан тафовутлаш жараёнларини оптималлаштириш, даволаш тадбирларини тўғри ва эрта даврда бошлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 2та ҳалқаро ва 3 та республика илмий – амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий ишлар, жумладан 1 та услубий тавсиянома чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, 4 та боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 105 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти ва предметлари тавсифланган, республикамизнинг таълим ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига илмий ишларнинг мувофиқлиги кўрсатилган. Илмий изланишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган мақолалар ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг **«Тарқоқ склероз касаллигининг клиник кечиши, клиник кўринишлари, прогностик мезонлар ва касалликни эрта аниқлашда биохимик ўзгаришларнинг ўрни ва аҳамияти»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича бажарилган маҳаллий ва ҳорижий изланишларнинг илмий манбаалари батафсил таҳлил қилинган. Этиология ва патогенез, клиника ва ташхислаш усуллари пухталиқ билан таҳлил этилган. Умуман, тўрт қисмдан иборат бўлган манбаалар таҳлили йилдан йилга учраш частотаси ортиб бораётган ва аҳоли меҳнатга лаёқатли қатламининг ногиронлигига олиб келувчи тарқоқ склероз касаллигининг муаммосига бағишланган бўлиб, ушбу йўналишда изланишларни давом эттириш зарурлигидан далolat беради.

Диссертациянинг **«Тарқоқ склерознинг клиник-патогенетик хусусиятларини ташхислаш материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий материаллари ва усуллари келтирилган, бунда тадқиқотда иштирок этган беморларга тавсиф берилган, шунингдек, олинган натижаларни статистик қайта ишлаш усуллари келтирилган.

Илмий тадқиқот ишини олиб боришда тарқоқ склероз ташхиси қўйилган 100 нафар бемор иштирок этган бўлиб, улар Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси неврология бўлимида ва 1- Республика клиник шифохонасида стационар ва амбулатор даволанганлар. Биокимёвий текширувлар 54 та беморда ўтказилди. Назорат гуруҳини эса 20 нафар соғлом шахслар ташкил этган. Беморлар ёши 19 ёшдан 55 ёшгача бўлиб, ўртача $34,4 \pm 0,9$ ёш. Касаллик давомийлиги ўртача $6,46 \pm 0,62$ йилни ташкил этди.

Умумий ҳолатларнинг 30 тасида (30%) эркаклар учради ва уларнинг ўртача ёши $33,5 \pm 0,8$ ёшни ташкил этди. Аёллар – 70 (70%) ҳолатда кузатилган бўлиб, уларнинг ўртача ёши $34,8 \pm 0,8$ ёшни ташкил қилди. Тадқиқот натижалари жинси ва ёши бўйича (ўртача ёши $34,1 \pm 0,5$) мос келувчи 20 амалий соғлом шахслар (7 та эркак (35%) ва 13 та аёл (65%)) кирган назорат гуруҳи билан таққосланди. Назорат гуруҳига субъектив шикоятлари ва объектив неврологик симптоматикаси йўқ бўлган мезонлар ҳисобга олинди.

Беморлар МКБ-10 (1990 йил 43-Халқаро ассамблеясида қабул қилинган)

бўйича таклиф қилинган таснифлаш асосида баҳоланди, бунда беморлар учта гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳни тарқоқ склерознинг церебрал шакли билан оғриган 6 нафар (6%) беморлар, 2- гуруҳни эса тарқоқ склерознинг цереброспинал шакли билан касалланган 67 (67%) нафар беморлар, 3-гуруҳни мияча шакли билан касалланган 26 (26%) нафар беморлар ташкил қилди.

Тарқоқ склероз касаллигига чалинган 100 та бемордан: цереброспинал шакли 67 та бемор 17та эркак(25,3%) ва 50та аёл(74,6%). Церебрал шаклида 6 та бемор 2та эркак (40%)ва 4 та аёл(60%). Мияча шаклида 27та бемор 11та эркак (40%)ва 16(60%) та аёл. Аёллар ва эркаклар орасидаги нисбат тарқоқ склерознинг цереброспинал шаклида 1:2,9; церебрал шаклида 1:2 нисбатни; мияча шаклида 1:1,5 нисбатни ташкил қилди. Тарқоқ склероз касаллигининг кечишига кўра беморлар гуруҳларга ажратилди. Улардан иккиламчи прогрессиловчи 19 та бемор; бирламчи прогрессиловчи 5 та бемор; реммитирловчи кечиши 73та бемор, прогрессиранувчи авж олиш билан 3та. Касалликнинг давомийлигига кўра ҳам 3 гуруҳга ажратилди. Касаллик 5 йилгача давом этган беморлар 33 та 33% , касаллик 5-10 йилгача давом этган беморлар 37 та (37%) ва касаллик 10 йилдан узоқ давом этган беморлар 30та (30%). Демак, тарқоқ склерознинг цереброспинал шакли ва реммитирловчи кечиши 70% ни ташкил қилди. Ушбу беморларнинг жинс бўйича градацияси 1 –жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Тарқоқ склероз билан касалланган беморларнинг ёш ва жинсга мувофиқ тақсимланиши

Тарқоқ склерознинг клиник шаклига кўра	Умумий беморлар сони	аёл	эркак
цереброспинал шакли	67 та (67%)	50(74,6)	17(25,3%)
Церебрал шакли	6та (6%)	4(61%)	2(39%)
Мияча шакли	27(27%)	16(59%)	11(41%)
Тарқоқ склерознинг кечишига кўра			
Реммитирловчи	73(73%)	51(69,8)	22(30,2%)
Иккиламчи прогрессиловчи	19(19%)	14(73%)	5(27%)
Бирламчи-прогрессиловчи	5(5%)	3(60%)	2(40%)
Иккиламчи прогрессиловчи авж олишлар билан	3(3%)	2(66%)	1(34%)
Тарқоқ склерознинг давомийлигига кўра			
Давомийлиги 5 йил	35 (35%)	30(85,7%)	5(14,3%)
Давомийлиги 5-10 йилгача	35 (37%)	27(77%)	8(23%)
касаллик 10 йилдан узоқ давом этган беморлар	30(30%)	13(43%)	16(57%)

Барча текширилган беморларга клинико-неврологик, нейровизуализацион, молекуляр-генетик ва морфологик текширувлар ўтказилди. Беморларда нерв системаси фаолияти 1983 йилда қабул қилинган Курцке шкаласи ёрдамида ва ногиронлик даражасини баҳолаш мақсадида модифицирланган EDSS (англ. Expanded Disability Status Scale- ногиронлик даражасини аниқловчи киритма) шкаласи қўлланилди. Беморларни EDSS шкала бўйича баҳолашда қуйидаги тизимлар фаолияти ҳисобга олинди: пирамидал тизим; кўрув тизими; мия устунни фаолияти; мияча фаолияти; сезги тизими фаолияти; чанок аъзолари фаолияти; олий асаб тизими фаолияти.

МНС нинг церебрал структура ҳолати, анатомик субстрат – демиелинизация ўчоқлари локализациясини аниқлаш мақсадида бош мия МРТ дан иборат бўлган нейровизуализацион текширув ўтказилди. Бунда 1,5 Тесла магнит майдони кучланишли очик типдаги «OPART» Toshiba аппаратидан фойдаланилди.

Беморлар қон зардобида ТС биомаркерини аниқлаш мақсадида биокимёвий текширув ўтказилди. Нейроспецифик S-100 оқсилни аниқлашда ELISA kit for S-100 Calcium Binding protein B (S-100B) текшируви тўпламидан фойдаланилди. Иммунофермент анализ (ИФА) усули ёрдамида лаборатор текширув ўтказилди. Липопротеид фракцияларини аниқлашда эса холестерин HDL ЛПВП IFCC 5*100 мл №1F03100(диалабГмбХ, АВСТРИЯ) ; холестерин LDL ЛПНП прямой 5*50 мл №1F05365(диалабГмбХ, АВСТРИЯ) ; холестерин VLDL ЛПОНП прямой 5*50 мл №1F07345(диалабГмбХ, АВСТРИЯ) текширув тўплamlаридан фойдаланилди. Қон зардобида S-100 миқдори ва липопротеид фракциялари миқдори таҳлил этилди ва таққосланди. Беморлардаги умумий холестерин миқдори ва атерогенлик коэффиценти формулалар орқали ҳисоблаб топилди.

- Умумий холестерин = ЗПЛП+ЗЮЛП+ЗЖЮЛП
- А К (Атерогенлик коэффиценти) = (умумий ХС – ЗЮЛП)/ЗЮЛПП.
- Атерогенлик коэффиценти 2-3.

Олинган натижалар статистик қайта ишлашда ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик катталиги (M), ўртача квадрат силжиши ($\pm\sigma$), ўртача арифметик катталик хатоликлари ($\pm m$) ва нисбий катталикларини (частота%) ҳисобга олган ҳолда вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усули қўлланилди. Ўртача катталикларни таққослашда олинган ўзгаришларнинг статистик аҳамияти Стьюдент мезони бўйича аниқланди (t) 12 ва бунда хатоликлар эҳтимоли ҳисобланди (P). Статистик белгилар ўзгариши учун $P < 0,05$ ишончлилик даражаси қабул қилинди. Кўрсаткичлар боғлиқлигини таҳлил қилиш учун Пирсоннинг (r) жуфт корреляция коэффиценти ҳисобланди. S-100 оқсил ва ЗПЛП нинг миқдори орасида корреляцион боғлиқлик аниқланди. Юқорида кўрсатилган барча тадқиқот объекти ва унинг усуллари жадваллар орқали кўрсатилган.

Дессертациянинг “Тарқок склерознинг клиник-неврологик белгиларининг ўзига хослиги ва МРТ белгилари билан ўзаро боғлиқлиги” деб номланган учинчи бобида беморлардаги касалликнинг субъектив ва объектив неврологик белгилари таҳлил қилинган. Нерв системасининг патологик зарарланиш даражаси касалликнинг кечишига, шаклига кўра ўрганилган. Шунингдек, бу гуруҳларда неврологик тизимлар фаолияти Курцкенинг EDSS шкаласи ёрдамида баҳолаш натижалари келтирилган. МРТ текшируви натижалари орқали тарқок склерозда патологик ўчоқларнинг тавсифи, ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилган.

Маълумки тарқок склероз касаллигида бир қанча система функциялари бузилганлигини кўришимиз мумкин. Касалликнинг шаклига кўра қайси системанинг кучли ифодаланганлигини таҳлил қилдик. Таҳлил натижаларига кўра, касалликнинг церебрал шаклида чанок аъзолари функцияси, сезги сфераси, пирамида системаси ўзгаришларини кучлироқ ифодаланганлиги аниқланди.

Тарқок склерозда клиник неврологик ўзгаришларни касалликнинг кечиши ва давомийлигига қараб ҳам таҳлил қилинди. Унга кўра тарқок склерознинг бирламчи ва иккиламчи прогрессирланувчи кечишида неврологик белгилар яққол ифодалаган. Айниқса пирамидал тизим патологияси 92% беморларда аниқланди. 89% беморларда чанок аъзолари тизимида патологик ўзгаришлар аниқланди.

2-жадвал

Тарқок склерознинг клиник шаклларида нерв системаси патологиясининг ифодаланиш даражаси.

	Церебрал шакли	Мияча шакли	Церебро-спинал
Бемор сони	6	27	67
Пирамидал тизим фаолияти	6та (100%)	22та (66,6%)	64 (95,5%)
Мияча фаолияти	2та (32%)	27та (100%)	50 (74,6%)
Сезги тизими фаолияти	4 та(65%)	21 (63,8%)	64 (95,5%)
Чанок аъзолари фаолияти	4та (65%)	5 (15%)	57 (85%)
Кўрув тизими фаолияти	3та (50%)	17 (51%)	18 (27%)
Олий асаб тизими фаолияти	5та (83%)	24 (87,8%)	42 (62,6%)

Кўрув тизими фаолияти. Кўрув ўткирлигининг пасайиши, кўз олдида туман бўлиши, диплопия каби симптомлар, касалликнинг биринчи белгилари сифатида (дебют) намоён бўлади. Кўрув ўткирлигининг сезиларли пасайиши ва бутунлай йўқолиши ретробульбар неврит сифатида аниқланади. Бу кўрув нервининг бирламчи демиелинизацияси билан боғлиқ бўлиб, бир томонлама

ёки икки томонлама бўлади ва аёлларда кўпроқ учрайди.

Пирамидал функция. Ҳаракат системасидаги ўзгаришлар беморларда спастиканинг ошиши ва парезлар билан ифодаланади. Демиелинизация ўчоқлари жойлашувига кўра гемипарез, парапарез, монопарез кузатилади. Беморларимизнинг 80% ида пирамидал тизим ўзгаришлари аниқланди. *Мияча фаолияти.* Мияча функцияси изоляциялашган ҳолда жуда кам учрайди. Асосан пирамида системасининг мушаклар спастикасидаги ўзгаришлар билан кўшилади. Мияча фаолияти бузилиши мича атаксияси, интенцион тремор ва скандирлашган нутқ кўринишида учрайди. Беморларимизнинг 87% ида интенцион тремор ва 63% ида атаксия аниқланди.

Сезги тизими фаолияти. Сезги тизими фаолиятининг бузилиши касалликнинг илк белгилари сифатида намоён бўлади. Беморларда парестезия, гиперестезия, сенситив атаксия кўринишида ривожланади. Чуқур сезгининг бузилиши эса беморларда актив ҳаракатлар чекланишига сабаб бўлади. 69% беморларда юзаки сезги бузилишларини, 65% беморларда чуқур сезги бузилишлари аниқланди.

Чаноқ аъзолари фаолияти. Асосан сийдик тута олмаслик ва гиперактив сийдик пуфаги каби симптомлар билан намоён бўлади. Чаноқ аъзолари фаолияти бузилиши ижтимоий фаолликни пасайтиради ва ҳаёт сифатини оғирлаштиради. 45% беморларда чаноқ аъзолари функцияси бузилганлиги аниқланди. Касаллик узоқ давом этган сари бу кўрсаткич ҳам ошиб бориши кузатилди.

Олий асаб тизими фаолияти. Тарқоқ склерозда асосий когнитив ўзгаришлар депрессия ёки эйфория кўринишида кузатилади. Депрессия касалликнинг илк босқичларида умумий холсизлик билан намоён бўлади. Касаллик ривожланган сари беморларда кайфиятнинг кўтарилиши - эйфория ҳолати ривожланади.

Касалликнинг давомийлигига кўра таҳлил қилганимизда, беморларни 3 гуруҳга бўлдик. 33% беморларда касаллик 5 йилгача, 37% беморларда 5-10 йилгача, 30% беморларда касаллик 10 йилдан узоқ давом этган. 70% беморларда касаллик 1-10 йилгача давом этган. Нерв тизими фаолияти ўзгаришлари касаллик давом этган сари кучли ифодаланиб борган. 93% беморларда пирамидал тизим фаолияти кучли ривожланиб борган, 56% беморларда чаноқ аъзолари фаолияти кучайиб борган.

Тарқоқ склерозда касалланган беморларни касалликнинг кечишига кўра таҳлил қилинди: касалликнинг бирламчи прогрессирловчи кечиши кеч бошланади ва асосан мияча ва пирамида системаси ўзгаришлари билан (80-85%) намоён бўлади, деярли барча тизимларда кучли патологик ўзгаришлар кузатилган; тарқоқ склерознинг реммитирловчи кечиши (73%) эрта бошланиши ва неврологик танқисликнинг секин ривожланиши билан ифодаланди, кейинчалик авж олиш даврларининг кўпайиши билан иккиламчи прогрессирловчи кечишга ўтиши мумкин; тарқоқ склерознинг иккиламчи

прогрессирловчи кечишида (19%)биринчи ремиссия даври кам бўлади, авж олишлар бир йилда бир маротаба бўлади, аммо неврологик дефицит реммитирловчи кечишига қараганда кучли бўлади; тарқоқ склерознинг бирламчи прогрессирланувчи кечиши (5%) кеч бошланади аммо, ривожланиши жуда тез (бир йил ичида) бўлади, неврологик танқислик юқори даражада бўлади.

Касалликнинг кечишига кўра ҳам беморларда системалар фаолияти бузилишини таҳлил қилдик. Чанок аъзолари функцияси ва пирамида системаси деярли касалликнинг барча турларида ифодаланган даражада бузилади. Бу ногиронликка сабаб бўлувчи асосий кўрсаткичлардан биридир. Беморларда ногиронлик даражасини баҳолаш учун беморлар ҳолатини EDSS шкала бўйича кузатдик. Натижаларда, EDSS шкаласининг кўрсаткичлари касаллик давомийлиги ошган сари кўтарилиб боришини куришимиз мумкин. Баъзан хар бир авж олиш даврида шкаланинг 1-2 балл дан кўпайиб бориши кузатилди.

Тарқоқ склероз мавжуд 100 та беморда демиелинизация ўчоқларини баҳолаш мақсадида МРТ текшируви ўтказилди. МРТ хулосаларини патологик ўчоқларнинг ўлчамига қараб гуруҳларга бўлдик. Унга кўра 31% беморларда кичик ҳажмли (0,2-0,8см) ўчоқлар; 45% беморларда ўрта ҳажмли (0,9-1,4см) ўчоқлар; 24% беморларда йирик ҳажмли (1,5-1,9%) патологик ўчоқлар аниқланган. Демиелинизация ўчоқлари асосан субкортикал (77%) ва перивентрикуляр-субкортикал соҳада (60%) жойлашган. МРТ текширувида 83% беморларда ён қоринчалар кенгайиши ва 78% беморларда ён қоринчаларнинг ассиметрияси учради.

3- жадвал

Тарқоқ склерозда МРТ даги ўчоқли ўзгаришларнинг учраш даражаси.

Зарарланиш соҳаси	Тарқоқ склероз n-100 (%)
Ягона субкортикал ўчоқ	4та (4%)
Ягона перивентрикуляр ўчоқ	8та (8%)
Бир нечта субкортикал ўчоқ	11та (11%)
Бир нечта перивентрикуляр ўчоқ	77та (77%)
Ён қоринчалар кенгайиши	83та (83%)
Ён қоринчалар ассиметриклиги	78 та (78%)

МРТ ўчоқларининг ҳажми касалликнинг давомийлиги ва EDSS шкаланинг кўрсаткичлари билан алоқаси таҳлил этилди. Ушбу корреляцион

таҳлил натижаси 4-жадвалда келтирилган.


4-жадвал

МРТ ўчоқларининг ҳажми касалликнинг давомийлиги ва EDSS шкаланинг кўрсаткичлари билан боғлиқлиги

Касал сони N=100	Касаллик давомийлиги	Бош мия МРТ сидаги ўчоқлар ўлчами	EDSS шкала Балл
N=35	5 йил	0,2-0,8мм	6,0 балл
N=37	5-10 йил	0,9-1,4мм	7,2 балл
N=30	10 йил	1,4-1,9мм	8 балл

Диссертациянинг «Тарқоқ склерознинг клиник шакллари, кечиши билан S-100 оксиди ва липопротеидлар кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги» деб номланган тўртинчи бобида беморларда s-100 оксил ва ЗЮЛП, ЗПЛП, ЗЖПЛП кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва улар орасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланган.


Тарқоқ склероз билан оғриган беморларда нейронлар учун махсус бўлган S100 оксил ва липопротеидларни ўрганиш учун 54 та бемор ва 20 та соғлом одам қон зардобиди текширилди. Булардан ТС бўлган беморлар сони 54 та (37 та аёл ва 17 та эркак) (асосий гуруҳ). Беморлар 21 дан 45 ёшгача. Ўртача $33,82 \pm 0,9$ ёш. Назорат гуруҳидаги соғлом одамлар 20та (13 та аёл ва 7 та эркак). Ўртача $34,11 \pm 0,1$ ёш. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, асосий гуруҳдаги беморлар қон зардобиди S100 миқдори $0,115 \pm 0,006$ мкг/л ни ташкил этди ($p < 0,05$) (соғлом одамда бу кўрсаткич 0,09 дан кам бўлади). Назорат гуруҳида s-100 оксиди миқдори кўрсаткичи $0,05 \pm 0,05$ га тенг бўлди. Яъни беморларда S100 оксил миқдорининг юқорилиги аниқланди. Таҳлил натижаларига кўра, ТС га чалинган беморларнинг 69% ида (37 тасида) s-100 оксидининг юқори кўрсаткичи аниқланди.



1- расм. Тарқоқ склероз билан касалланган беморлар ва соғлом одам қон зардобида S100В оқсил миқдорининг кўрсаткичлари (мкг/л).

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки S100 оқсил ҳар қандай жароҳатга ўта сезгирдир ва астроцитар глиа учун махсус бўлган оқсилдир. Тарқоқ склероз нафақат демиелинизация касаллиги бўлиб, шу билан бирга нейродегенератив касаллик ҳамдир. Маълумки, нейродегенерация ривожланишида астроцитлар, яъни глиал ҳужайраларинг ўрни каттадир. S100 оқсили эса нейродегенератив касалликларда цитокинларга ўхшаб таъсир кўрсатади.

Тарқоқ склерознинг клиник шакли ва кечишига кўра дегенерация даражасини баҳолаш учун s-100 оқсили кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Беморларда s-100 оқсил миқдорини касалликнинг клиник шаклига кўра таҳлил натижалари 2-расмда келтирилган.



2-расм. Тарқоқ склерознинг клиник шаклларида s-100 оқсил миқдори кўрсаткичлари.


Бунда, ТС нинг церебрал шаклида s-100 оқсил миқдори $0,1 \pm 0,03$ мкг/л, мияча шаклида 0,11 мкг/л, цереброспинал шаклида эса $0,12 \pm 0,01$ мкг/л га тенг. $P < 0,05$ Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, дегенерация жараёни тарқоқ склерознинг церебро-спинал шаклида кучлироқ намоён бўлар экан. Биз тарқоқ склероз билан касалланган беморларни касалликнинг кечишига кўра ҳам гуруҳларга ажратдик ва s-100 оқсил миқдорини таҳлил қилдик. Бунга кўра s-100 оқсил кўрсаткичлари: тарқоқ склерознинг бирламчи прогрессиранувчи кечишида $0,1 \pm 0,003$ мкг/л, иккиламчи прогрессиранувчи кечишида - $0,12 \pm 0,02$ мкг/л, реммитирловчи кечишида - $0,13 \pm 0,01$ мкг/л, прогрессиранувчи кечиши авж олишлар билан шаклида - $0,11 \pm 0$ мкг/л . $P < 0,05$. Натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак дегенерация жараёни тарқоқ склерознинг реммитирловчи кечишида фаолроқ кечганини кўрамиз. Тарқоқ склерознинг кечишида унинг давомийлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, касалликнинг йилдан йилга янги белгилар билан оғирлашиб бориши дегенератив жараёнларнинг фаоллашиб борганини кўрсатади. Тарқоқ

склерознинг давомийлигига кўра, дегенерацияни баҳолаш мақсадида куйидаги гуруҳларда s-100 оксил миқдорини текширдик. Тарқоқ склероз 5 йилгача давом этганда: s-100 оксили- $0,1\pm 0,02$ мкг/л; касаллик 5-10 йил давом этганда: s-100 оксили- $0,12\pm 0,1$ мкг/л; касаллик 10 йилдан узоқ давом этганда s-100 оксили- $0,14\pm 0,3$ мкг/л; Бу кўрсаткичлар касалликнинг давомийлигига кўра дегенерация жараёнини фаллашиб боришини исботлайди.

Олинган натижаларга асосланиб шундай хулосага келиш мумкинки, нейроспецифик S100 оксили тарқоқ склерозда дегенерация даражасини кўрсатувчи асосий мезондир. Бу кўрсаткичлар тарқоқ склероз ташхислаш мезонларини тўлдиради ва бизнинг натижалар тарқоқ склерозни эрта ташхисотида ва патологик жараёнларни аниқлаш мақсадида ушбу тестни кўллаш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Тарқоқ склерозда дегенерация жараёнини ривожланишига ва унинг фаоллашишига бир қатор ташқи муҳит омиллари ҳам таъсир қилади. Сўнгги йиллардаги илмий изланишлар хулосаларига кўра тарқоқ склероз касаллигида махсус ёғсизлантирилган пархезнинг аҳамияти муҳим эканлигини таъкидламоқда. Яъни, тарқоқ склерознинг кечишида липопротеидлар алмашинувининг ҳам аҳамияти бор. Шунинг учун ҳам биз тарқоқ склероз билан касалланган беморларда липопротеидларнинг миқдорий ўзгаришини ўргандик. 54 та беморда кон таҳлилида липопротеидларни 3та гуруҳини текширдик. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, фақатгина ЗПЛП лар миқдори беморларда патологик ($3,53$ ммоль/л) ўзгарган. ЗЮЛП ($0,7-1,9$ ммоль/л) ва ЗЖПЛП ($0,13-1,63$ ммоль/л) кўрсаткичлари эса меъёрий ҳолатда қолмоқда. Атерогенлик коэффиценти юқорида келтирилган махсус формулалар ёрдамида ҳисобланди. Атерогенлик коэффиценти ҳам беморларда меъёрий кўрсаткичларда аниқланди. Демак, беморларда ЗПЛП лар миқдори атеросклероз ҳисобига эмас, дегенерация ҳисобига баланд деб ҳисоблаш мумкин.

Беморларда липопротеидлар ва атерогенлик коэффиценти кўрсаткичлари 3-расмда келтирилган.



3-расм. Тарқоқ склероз касаллигида липопроteid фракцияларни кўрсаткичлари.

Натижалар таҳлил қилинганда тарқоқ склерознинг клиник шаклларида ЗПЛП миқдори куйидагича: мияча шакли $3,5 \pm 0,1$ ммоль/л, церебрал шакли $3,5 \pm 0,2$ ммоль/л, цереброспинал шакли $3,6 \pm 0,1$ ммоль/л. Унга кўра касалликнинг цереброспинал ва церебрал шаклида ЗПЛП ларнинг миқдори юқори чиқди.


Тарқоқ склерозни клиник кечиши бўйича гуруҳларда ЗПЛП кўрсаткичлари бўйича таҳлил ўтказилганда куйидаги натижалар олинди: бирламчи прогрессирланувчи кечишида $3,6 \pm 0,1$ ммоль/л, иккиламчи прогрессирловчи кечишида $3,4 \pm 0,2$ ммоль/л, реммитирловчи кечишида $3,5 \pm 0,1$ ммоль/л, прогрессирловчи кечиши авж олиш билан $3,9 \pm 0,1$ ммоль/л. $P < 0,001$. Бирламчи прогрессирловчи ва прогрессирловчи кечиши авж олишлар билан шаклида ЗПЛП кўрсаткичи бошқа гуруҳларга нисбатан юқори чиқди.

ЗПЛП ва EDSS шкаласи кўрсаткичлари орасида тўғри пропорционал боғлиқлик аниқланди. Яъни, 17% беморларда ЗПЛП кўрсаткичлари $3,1 \pm 0,02$ ммоль/л бўлганда EDSS шкаласи $6,1 \pm 0,04$ га тенг бўлди. 21% беморларда ЗПЛП кўрсаткичлари $3,4 \pm 0,01$ га тенг бўлганда EDSS шкаласи $7,2 \pm 0,02$.

Тарқоқ склероз билан касалланган беморларда s-100 оксил ва ЗПЛП кўрсаткичлари солиштирилганда дегенерация кучли ифодаланган гуруҳларда ЗПЛП миқдорининг ҳам юқорилигини кўришимиз мумкин. Бу эса дегенерация ва липопроteidлар алмашинуви нинг орасида тўғри пропорционал боғлиқлик борлигини кўрсатади.

Таҳлил натижалари бўйича s-100 оксил ва ЗПЛП лар орасидаги корреляцион боғлиқлик 0,5 га тенг. Яъни ЗПЛП ва дегенерация орасида мусбат ўртача корреляцион боғлиқлик мавжуд.

Тарқоқ склерозда ЗПЛП лар миқдорининг ўзгариши муҳим томони шуки, тарқоқ склероз билан касалланган беморларимизнинг ўртача $33,82 \pm 0,9$ ёшда. Липопроteidлар алмашинуви бузилиши эса физиологик тарзда 45-50 ёшдан сўнг бошланади. Натижаларни таҳлил қилганимизда тарқоқ склероз билан касалланган беморларда липопроteidларнинг патологик ўзгариши ўртача 25-30 ёшларда бошланган. Бу эса нафақат касалликнинг бошланишига таъсир кўрсатади, балки дегенерация жараёнининг авж олишига, касалликнинг кўзиш даврларининг тез тез қайталанишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз ўз илмий изланишимизда тарқоқ склерознинг пайдо бўлиши ва кечишида ташқи муҳит омилларининг таъсири яъни липопроteidлар алмашинуви бузилишини дегенерация жараёни билан боғламоқдамиз.



4–расм. s-100 оқсил ва ЗПЛП лар орасидаги корреляцион боғлиқлик.

Бу корреляцион боғлиқлик, тарқоқ склероз касаллигининг ривожланишида липопротеидларнинг ахамияти борлигини кўрсатади. Шунингдек, ЗПЛП ларни коррекция қилиш орқали касалликнинг кечишига таъсир қилиш мумкин деган хулосани беради.

ХУЛОСАЛАР

1. Тарқоқ склерозда демиелинизация жараёни касалликнинг клиник шаклига, кечишига ва жинсга нисбатан бир бирдан фарқ қилади ва касалликнинг реммитирловчи кечиши кўпроқ эркакларда ва нисбатан енгилроқ ўтиши билан, бирламчи ва иккиламчи прогрессируловчи кечиши эса кўпроқ аёлларда ва оғирроқ ўтиши билан кузатилди, бу эса касаллигининг узок давом этиши ва ногиронлик даражасининг ошиб боришига ва қайтмас органик ўзгаришларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

2. МРТ текшируви билан тарқоқ склерознинг клиник белгилари орасида яққол боғлиқлик мавжуд бўлиб, МРТ даги ўчоқларни кузатиш орқали касалликнинг кечишини, локализациясига қараб, беморнинг функционал ҳолатини тахмин қилиш мумкин ва МРТ даги ўчоқлар ҳажмининг катталаниши тарқоқ склерозда янги белгиларнинг намоён бўлганини ва ногиронлик даражасининг ошганлигини кўрсатади.

3. Тарқоқ склерозининг авж олган даврида, беморларнинг қон зардобидаги s-100 оқсил миқдори концентрациясининг юқорилиги кузатилиши сабабли бу кўрсаткич ёрдамида тарқоқ склерознинг авж олиш ва ремиссия даврларини ажратиш олиш ва неврологик дезадаптациyani прогноз қилиш мумкин.

4. Тарқоқ склероз касаллиги кечишининг прогностик омилларидан бири бу организмда зичлиги паст липопротеидлар миқдорининг ошиши бўлиши мумкин, жумладан, бу кўрсаткичнинг тарқоқ склерознинг бирламчи ва иккиламчи прогрессируланувчи кечишида, касаллик авж олганда ва касаллик давомийлиги ошган сари йилдан йилга ошиб бориши, зичлиги паст

липопротеидлар бевосита демиелинизация жараёнини фаоллаштирувчи ва касаллик кечишининг оғирлашувини кўрсатувчи белги бўлиши мумкин.

5. Тарқоқ склероз билан касалланган беморларда s-100 оксил ва зичлиги паст липопротеидлар кўрсаткичлари орасида ўзаро корреляцион боғлиқлик борлиги кузатилиши тарқоқ склероз билан касалланаган беморларда нейроспецифик s-100 оксил ва зичлиги паст липопротеидлар миқдорини чуқур ўрганишга, касалликни прогноз қилишга, қиёсий ташхис ўтказишга, шу асосида даволаш муолажаларини ўз вақтида ўтказилишига ёрдам беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/03.12.2019.Tib.31.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЦЕНТРЕ РАЗВИТИЯ
ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ НАВЫКОВ МЕДИЦИНСКОГО
ПЕРСОНАЛА**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

МУХИДДИНОВА МУКАДДАС АРАББАЕВНА

**РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ НЕЙРОСПЕЦИФИЧЕСКОГО БЕЛКА S-100 И
ЛИПОПРОТЕИДОВ В ПАТОГЕНЕЗЕ РАССЕЯННОГО СКЛЕРОЗА**

14.00.13 – Неврология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/Tib648.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.timpe.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научные руководитель:

Якубова Мархамат Миракрамовна
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты:

Аликулова Нигора Абдукадировна
доктор медицинских наук, профессор

Джурабекова Азиза Тахировна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

**Ташкентский педиатрический
медицинский институт**

Защита диссертации состоится « 8 » июль 2021 г. в 12:00 часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 при Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников (Адрес: 100007, Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@timpe.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре при Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников (зарегистрирована за № ___). Адрес: 100007, Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44.

Автореферат диссертации разослан « 23 » июль 2021 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от « ___ » _____ 2021 года).



Х.А. Акилов
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.Н. Убайдуллаева
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Б.Г. Гафуров
Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Рассеянный склероз заболевание которые в результате увеличивается частоты заболеваемости и риска возможных осложнений, которые могут привести к инвалидности, и способствовать серьёзному ухудшению качества жизни. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) «... настоящее время в мире насчитывается около 2,8 млн больных рассеянным склерозом и каждый год вырастает частота заболеваемость на 1млн»¹. Хроническое развитие болезни, ее специфическое течение, чередование периодов обострения и ремиссии, а также отсутствие специфических симптомов на ранних стадиях болезни, еще больше усложняют диагностику заболевания. Рост заболеваемости рассеянного склероза, ранние дисфункциональные изменения у пациентов, высокая частота смертельности, приводят к дезадаптации, а также подчеркивается медицинская и социальная значимость проблемы.

Во всем мире проводится ряд научных исследований для достижения оптимизации в диагностике и лечении рассеянного склероза. По этой причине, особое внимание уделяется факторы риска и характер течение заболевания; определение профилактические меры осложнение; определение клинико патогенетической структуры заболевания; разработка алгоритмов ранней диагностики заболевания, оптимизация индивидуальнй подход к лечению; внедрение современные инновационные фармакологическое лечение. Научные исследования, направленные на внедрение современных инновационных фармакологических методов лечения, продолжаютя. Важными вопросами являются оценка прогностических факторов при рассеянном склерозе, достижение высокой эффективности лечебных процессов, устранение неврологической дезадаптации, а также профилактика возможных осложнений у пациентов.

На сегодняшний день в нашей стране особое внимание уделяется совершенствованию системы социальной защиты и здравоохранения, в том числе «... профилактике и диагностике заболеваний, широкому внедрению современных технологий, оказанию высококвалифицированной и качественной медицинской помощи»². В связи с этим среди населения важно разработать современные высокотехнологичные методы раннего выявления факторов риска и профилактики их осложнений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и № УП-5590 от 7 декабря

¹ Атлас-международная федерация рассеянного склероза (MSIF) 3-е изд, сентябрь 2020

